

Blackburn Rovers клубида «Ҳалол озиқ-овқат» фестивали ўтказилди



11:01 / 17.05.2023 992

Жорий йилнинг 7 май куни «Blackburn Rovers» футбол клуби уйи бўлмиш Ewood Park майдонида «Ҳалол озиқ-овқат» фестивали бўлиб ўтди. Бу ҳақда Lancashire Telegraph канали хабар берди.

Қиролнинг тож кийиши кунида ўтказилган тадбир Осиё тўй кўргазмаси билан ҳамкорликда ўтказилди. «My kitchen bakery» - Hasina Bangi va Bangor Street ижтимоий маркази чипталар сотувидан тушган маблағларни хайрия ишларига топширди.

Шунингдек, фестивалда Blackburn Rovers Community Trust жамоаси томонидан тайёрланган болалар учун қизиқарли чиқишлар намойиш этилди. Маросимда Осиё, Британия ва Африка таомлари тақдим этилди.

Бугунги кунда Blackburnда шимолий ғарбдаги бошқа шаҳарларга нисбатан ҳалол ошхона ва ресторанлар кўпроқ. Ҳозирда ҳалол маҳсулотлар бўйича ушбу шаҳар Манчестердан кейин иккинчи ўринда туради.

Blackburnдаги «Ҳалол озиқ-овқат» фестивали бутун дунёда ягона эмас. Лондонда «Ҳалол озиқ-овқат» фестивали одатда ҳар йили сентябрь ойида

бўлиб ўтади ва у минглаб таомларни тақдим қилиб келади.